БҮТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 248 (18.126). • 27 октябрь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Яман Араб Республикасининг Президенти Али Абдалла Солиҳ расмий дўстона визит билан 26 октябрь куни Москвага келди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ ГФРдаги «Шпигель» журналининг раҳбарларини қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 октябрь куни Кремлда Гарбий Германиядаги «Шпигель» журналининг нашири Р. Аугштайнни, журналнинг бош редактори И. К. Энгелни ва редакция чет эл бўлимининг мудири Д. Вильтни қабул қилиб, улар билан суҳбатлашди, суҳбат дўстона вазнятда ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети Халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин ва КПСС Марказий Комитети Халқаро ахборот бўлими мудирининг ўринбосари В. М. Фалин иштирок этдилар.

(ТАСС).

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

ҲАР БИР КУН, ҲАР СОАТ ҒАНИМАТ!

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

⊙ 26 ОКТЯБРЬ ЭРТАЛАБГАЧА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 4.805.393 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАНДИ. АНА ШУНИНГ 2.984.946 ТОННАСИ МАШИНАЛАР БУНКЕРИДАН БЎШАТИЛДИ. КУНЛИК УСИШ 77.801 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ШУ КУНИ АГРЕГАТЛАР БУНКЕРИДАН 60.332 ТОННА ДУРДОНА БЎШАТИЛДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН 274.349 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН БИР КУНДА 6.099 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

⊙ Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Самарқанд областларининг пахтакорлари машина теримини жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Бу областларда машинада пахта теришнинг кунлик суръати планга нисбатан тегишли равишда 2,69, 2,56 ва 2,48 процентни ташкил этди.

⊙ ХИРМОНИНГИЗ ЮКСАЛАВЕРСИН!

Дўстлик, Мирзачўл, Пешку, Қамашк, Бувайда, Меҳнатобод районлари маррага етди.

Байроқдор Дўстлик райони деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Она-Ватан учун 71.200 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Топширилган ҳосилнинг 85 проценти машиналар бункеридан бўшатилди. Деҳқонлар Улуғ Октябрь байрамининг 64 йиллигини нишонланадиган кунгача ялпи хирмонни 80 минг тоннага етказиш юзасидан мажбурият олдилар.

Мирзачўл райони чўлқуварлари ҳам давлатга пахта топшириш планини муваффақиятли уддаладилар. Бу ерда қабул пунктларига 56.380 тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг 87 проценти машиналар ёрдамида йиғиб-териб олинди. Чўлқуварлар давлатга яна 6.500 тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан мажбурият олдилар.

* * *

Пешку райони пахтакорлари йиллик планни адо этдилар. Қабул пунктларига 41.252 тонна пахта топширилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Агрегатлар бункеридан 28 минг тонна дурдона бўшатилди. Район деҳқонлари юқори ҳосилдорликка эришиб, гектаридан 40 центнергдан хирмон кўтардилар. Пешкуликлар давлатга яна 13.800 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишди.

* * *

Қамашк райони заршуносларн пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари адо этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. 37.400 тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг 70 проценти машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 37 центнерни ташкил этди. Район заршунослари ҳосилдорликни 41 центнерга етказиш ва давлатга яна 9 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар.

* * *

Бувайда райони йиллик плакни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Бу район азаматлари қабул пунктларига 40.500 тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳар гектар ердан 33,2 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Бувайдалик заршунослар яна 10 минг тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олишга қарор қилдилар.

* * *

Меҳнатобод райони заршуносларн пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар. Мамлакат улардан 23.376 тонна кўриқ дурдоканн қабул қилиб олди. Ҳосилнинг 90 проценти машиналар бункеридан тўкилди. Район механизаторлари ялпи хирмон салмоғини 25 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

⊙ МАРРА — 55 МИНГ ТОННА

Социалистик мажбурият бажарилди! — Тошкент областининг Урта Чирчиқ ва Пискент районн механизаторлари ана шундай рапорт беришди.

Урта Чирчиқ райони давлатга 50.500 тонна «оқ олтин» армуғон этди. Ана шу ҳосилнинг 45 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди.

Пискент райони заршуносларн қабул пунктларига 48 минг тонна пахта топширдилар. Ҳосилнинг 91 проценти машиналарда терилди.

Иккала район механизаторлари ҳам 55 минг тонналик хирмон учун курашмоқдалар.

⊙ МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ

Ўтган куни Хоразм областн далаларида 1416 пахта териш машинаси ишлатилди. Ҳар бир агрегат билан Янгиариқ районида 4,5 тонна, Хива районида 3,9 тонна, Гурлан районида 3,7 тонна пахта терилди.

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда машинада пахта териш плани бажарилди. Колхоз дала гвардиячилари агрегатлар бункеридан 4.377 тонна пахта бўшатдилар. Ҳар бир агрегатнинг мавсумдаги ўртача иш унуми қарийб 150 тоннани ташкил этмоқда. Хўжаликда машина терими ҳамон юксак суръатларда давом этаётир. Колхоз «зангори кема» капитанлари яна 2500 тонна пахтани бункерлардан бўшатиш мажбуриятини олишди.

* * *

Қўриқ Комсомолобод райони механизаторлари машинада пахта териш йиллик планини адо этдилар. Дала гвардиячилари 23.800 тонна «оқ олтин»ни агрегатлар бункеридан бўшатишди. Бу ялпи ҳосилнинг 83 процентини ташкил этади. Комсомолободлик механизаторлар машиналар ёрдамида яна бир ярим минг тонна пахтани териб олишга қарор қилишди.

⊙ ЗАФАР САТРЛАРИ

Самарқанд областида яна икки хўжалик пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди.

Большевик районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози меҳнаткашлари қабул пунктларига 4.500 тонна пахта топширдилар. Совхоз заршунослари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш ва давлатга яна камида 2 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишди.

Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоз заршунослари давлатга 3.200 тонна дурдона топширдилар. Колхоз азаматлари ялпи ҳосилни 4.500 тоннага етказишга аҳд қилишди.

* * *

«Ленинизм» совхози чўлқуварлари Тўрткўл районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини адо этдилар. Давлат улардан 4.020 тонна «оқ олтин» қабул қилди. Совхоз пахтакорлари давлатга яна минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишди.

* * *

Москва районидаги «Ленинизм» колхози пахта тайёрлаш йиллик планини адо этди. Бу ерда гектаридан 35 центнердан хирмон кўтарилди. Қабул пунктларига топширилган 2.940 тонна хом ашёнинг 1.200 тоннаси аъло сифатли уруғлик пахтадир.

Замондошларимиз

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

— Колхозимиз заршуносларн мавжуд пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» териб олишиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Шуниси қувончлики, ялпи ҳосилнинг 87 проценти агрегатлар бункеридан тўкилди. Ана шу муваффақиятда нўпалаб механизаторлар сингари менинг ҳам ҳиссам борлигидан мамнунман. Мажбурият бажарилди, лекин ҳали пахта далаларимизда ҳосил кўп. Унн ўз вақтида ёғин-сочинга қолдирмай териб олиш нўпоқ бизларга боғлиқ. Шу сабабли терим агрегатлари имкониятларидан мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Шуниси қувончлики, ялпи ҳосилнинг 87 проценти агрегатлар бункеридан тўкилди. Ана шу муваффақиятда нўпалаб механизаторлар сингари менинг ҳам ҳиссам борлигидан мамнунман. Мажбурият бажарилди, лекин ҳали пахта далаларимизда ҳосил кўп. Унн ўз вақтида ёғин-сочинга қолдирмай териб олиш нўпоқ бизларга боғлиқ. Шу сабабли терим агрегатлари имкониятларидан иложи борича унумли фойдаланишга ҳаракат қилдпмиз. Булутли кунларда тўмда ҳам машиналарни пайкалдан чиқармадпмиз. Механизаторлар тадбиркорлик билан иш тутиб, иккинчи теримда ҳам кунига 5—6 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлишаётир. Мен мавсумда 200 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олганман. Унн Улуғ Октябрь байрамигача бажаришга ҳаракат қилпман, — дейди механизатор К. Неъматжонова.

Дарҳақиқат, Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоз механизаторларининг фидокорона меҳнати туфайли хўжалик хирмони тобора нўкка бўй чўзлпти. Суратда: колхознинг илғор механизатори Кўпайсин Неъматжонова.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Чироқчи район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Тиллаев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эрназаров, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Бердиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Холбеков, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Амиркулов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Холиқов;

Мирзачўл район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Сериков, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Оналбоев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тулебоев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Куракбоев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шайбергенов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Бобоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Умирбеков.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 64 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани авж олдириб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик планни муддатидан илгари, 24 октябрь куни бажардилар. Ой охиригача 24 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

[ЎзТАГ].

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ АРАФАСИДА

Унинчи чақириқ СССР Олий Советининг 17 ноябрда очиладиган олтинчи сессияси муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларига СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга мўлжалланган Давлат планини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1982 йилги Давлат планини ва 1981 йилги план қандай бажарилаётганини, СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджетини ва 1980 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тартибда кўриб чиқишни топширди.

26 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов палаталар доимий комиссиялари раисларининг кенгашини ўтказди, кенгашда мамлакат планларн ва бюджетини дастлабки тартибда кўриб чиқиш ишини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Кремлда СССР Олий Совети палаталари планбюджет ва бошқа доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Планлар ва бюджет лойиҳаларининг тегишли бўлимларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун доимий комиссиялар составидан 16 та қўшма тайёргарлик комиссияси тузилди.

Мажлисда В. В. Кузнецов, СССР Олий Совети палаталарининг раислари А. П. Шитиков ва В. П. Рубен, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, палаталар доимий комиссияларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

* * *

Тайёргарлик комиссияларининг ташкилий мажлислари бўлиб ўтди, улар иш планларини тасдиқладилар, иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1981-1985 йилларга мўлжалланган Давлат планини 1982 йилги плани ва 1981 йилги план қандай бажарилаётганини, СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджетини ва 1980 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

[ТАСС].

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Чехословакия журналистлари союзи делегацияси Тошкентга келди. Делегация Халқаро журналистлар ташкилотининг Москвада бўлиб ўтган IX конгресси ишида қатнашган эди. Делегация составида Чехословакия Журналистлар союзининг бош секретари Марцел Нолч, ЧКП Марказий Комитети оммавий ахборот воситалари бўлимининг сектор мудири Иржи Янтач. «Руде право» газетасининг Москвадаги мухбири Зденек Кропач бор.

Меҳмонлар Ўзбекистон Журналистлар союзининг фаолияти билан танишдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишларини кўздан кечирдилар. Делегация Тошкентнинг турли маданий-оқартув муассасаларида бўлади, Самарқандга боради.

(ЎзТАГ).

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар. иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта. учинчи устун — мавсум бошидан буён: тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,67	103,75	0,67	119,77
Бухоро	1,49	97,00	1,62	94,25
Жиззах	1,45	96,39	0,90	99,35
Сирдарё	1,12	92,75	0,89	96,21
Қашқадарё	1,29	89,10	1,70	81,85
Наманган	1,00	82,30	1,35	76,12
Фарғона	1,11	79,94	1,42	74,30
Сурхондарё	1,05	79,37	1,20	64,25
Хоразм	2,00	78,27	2,56	76,03
Андижон	1,13	70,21	1,56	53,97
ҚҚАССР	2,15	68,00	2,69	54,43
Самарқанд	1,89	64,82	2,48	50,34
Республика бўйича	1,33	82,28	1,56	77,13
Шу жумладан пингичка толали пахта:				
Бухоро	2,36	95,40	0,78	60,71
Наманган	1,24	92,14	3,10	91,95
Сурхондарё	1,42	77,31	1,51	66,04
Қашқадарё	1,90	60,99	1,52	31,98
Республика бўйича:	1,65	74,15	1,47	53,93

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1981 йил январь-октябрь ойлари планини муддатидан илгари, 26 октябрда бажардилар.

Кўмир қазиб чиқариш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, синтетик аммиак, сутга айлантириб ҳисобланган, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан январь-октябрь ойлари планининг оширнб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори

Фан ва техника соҳасида Ўзбекистон ССР Беруний номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг Фан ва техника соҳасидаги Беруний номли Давлат мукофотлари комитети тақдимномасини кўриб чиқиб, **қарор қиладилар:**

Ўзбекистон ССРнинг Фан ва техника соҳасида 1981 йилги Беруний номидаги Давлат мукофоти қуйидагиларга берилсин:

1. Ғ. А. Мавлонов (раҳбар), С. А. Абдурахмонов, Х. О. Отабоев, Е. М. Бутовская, Р. Иброҳимов, С. М. Қосимов, С. С. Сейдузова, В. И. Уломовга — Ўзбекистон ССР территориясини сейсмик районлаштириш ва микрорайонлаштиришнинг илмий-методик асослари ва карталарини яратиш ҳамда тадқиқот натижаларини республика халқ хўжалигига жорий этиш соҳасидаги ишлар туркуми учун.

2. Ж. Туленов (раҳбар), О. Файзуллаев, К. И. Иванова, М. Н. Абдуллаева, П. Д. Сеитовга — материалистик диалектика назарияси соҳасидаги ишлар туркуми учун.

3. К. А. Зуфаров (раҳбар), Д. А. Шорахмедов, З. И. Есенбоев, Т. Ўмаров, Н. Н. Калентьев, М. Ю. Абдурахмонова А. Абдурахимов, М. Қуронбоевга — Ўзбек совет энциклопедияси учун.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретари Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифини кўриб чиқиб, **қарор қиладилар:**

Энг яхши адабиёт, санъат ва архитектура асарлари учун қуйидагиларга 1981 йилги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари берилсин:

1. **Абдулла Орипов**га — «Нажот қалъаси» шеърлар китоби ҳамда «Ҳаким ва ажал» поэмаси учун.

2. **Ҳаким Назиров** (Ҳаким Назир)га — беш томлик асарлар тўплами учун.

3. **Пиримқул Қодирович Қодиров**га — «Юлдузли тунлар» романи учун ва **Юрий Иванович Суровцев**га — ана шу асарни рус тилига таржима қилганлиги учун.

4. **Асил Рашидович Рашидов**га — «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» монографияси учун.

5. **Фарук Абдуллаевич Кагаров**га — рассом, сиёсий плакатлар туркуми учун.

Михаил Михайлович Степаньянцга — рассом, «Ленин биз билан» бадиий нурли панорамани яратганлиги, шунингдек Қашқадарё областида бажарган бадиий безатиш ишлари учун.

6. Ҳакимхўжа Хусниддинхўжаевга — ҳайкалтарош, **Рафаиль Зокирович Тўхтаганов**га — архитектор — Бухоро областидаги Афшона посёлкасида ўрта асрда яшаган атоқли олим Абу Али ибн Сино ҳайкали учун.

7. **Латиф Обидович Файзиев**га — постановкачи-кинорежиссёр, **Артур Сергеевич Макаров**га — сценарий автори — К. Ёрматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти — «Ватанга хизмат қиламан» бадиий фильми учун.

8. **Фиридон Саттор ўғли Сафаров**га — постановкачи-режиссёр, **Вячеслав Александрович Гриченко**га — Пётр Биринчи ролини ижро этувчи, **Розалинда Бернгардовна Лаутга** — София партиясини ижро этувчи, **Қўрқмас Муҳитдиновга** — Макарий партиясини ижро этувчи — А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Катта академик театри саҳнасида қўйилган А. Петровнинг «Пётр биринчи» операси учун.

9. **Акром Худойқулович Худойқуловга** — таъмирчилик ишларининг бош консультанти, **Иосиф Монсеевич Пинхасовга** — архитектор, **Яков Львович Арадовскийга** — конструктор-инженер, **Александр Никитич Ступинга** — таъмирчи-рассом, лойиҳа авторлари; **Шамси Сайфиевга** — таъмирчи-уста, Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони архитектура ансамблини тиклаганлиги учун.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретари Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТЛАР ЙИҒИМ- ТЕРИМ ПЕШҚАДАМЛАРИ

КОСОНСОЙЛИКЛАР ВАХТАДА

Ленин ордени кавалери Пўлатхон Раҳматов бошлиқ бўлим коммунистлари ҳар гектар ердан 46,5 центнердан ҳосил олишмоқчи. Бу йил об-ҳаво анча нноқулик қилди. Эрта баҳордан бошланган ёмғирчилик деҳқонларга сентябрда ҳам тинчлик бермади. Чигит қулоқ чиқарганда қаттиқ жала ёғиб, ҳаммаёқ қатқалоқ бўлди. Деҳқонлар дарҳол ерни юмшатиш чораларини кўришди. Усимлик ҳам, деҳқонлар ҳам енгил нафас ола бошлашганда сел келиб, ғўзанн ювиб кетди. Дўл ёғиб, ғўза шохларини синдирди. 65 процент майдонга чигит қайтадан экилди...

Лекин бўлим деҳқонлари тушкунликка тушмадилар. Бор куч ва имкониятларини ғўза парваришига сарфладилар. Вақтида озиқлантириб, белгиланган муддатларда агротехника тадбирларини кўришди. Парвариш сентябрь ойида ҳам давом эттирилди.

Коммунистларинг бу йил ҳам мўл ҳосил етиштиришга бўлган ишончлари, деҳқончиликка, пахтага бўлган меҳр-муҳаббати туфайли жуда катта қийинчиликлар эвазига мўл ҳосил етиштирилди. Улар комплекс механизацияга таянib иш кўриб, пахтачилик бўлимлари ўртасидаги мусобақада ғолиблик қилмоқдалар. Ўн кунга яқин кунига йиллик планнинг 5, ҳатто 5,5 процентн миқдорида пахта топширишди. Хўш, партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатига бўлим коммунистлари қандай жавоб беришар экан?

— Мурожаатдаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла биз, қишлоқ коммунистлари эммасига катта масъулият юклайди, — дейди Ленин ордени кавалери, бригадир Бобохон Хафизов. — Ҳар қандай об-ҳаво шароитида етиштирилган «оқ олтин»нинг бирор граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишимиз керак. Ўз имкониятларимизни чамалаб чиқиб, Мурожаатга амалий иш билан жавоб бериш учун ҳар гектар ердан 56 центнердан ҳосил топширишга қарор қилдик.

Шу бўлимдаги коммунист Юсуфжон Турсунов бошлиқ бригада бу йил 30 майда барча майдондаги ғўзаларини қайтадан экkан эди. Кўпчилик улар бу йил планни ado этолмаса керак, деб ўйлашган эди. Аммо у бу йил ҳам албатта планни бажарамиз, бунга биз, коммунистларнинг виждонимиз, халқимиз олдидаги масъулиятимиз даъват этяпти, демоқда.

— Бўлимимиз пахтакорлари ҳар гектар ердан 46 центнердан ҳосил олиш ҳақидаги мажбуриятимизни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги кунигача бажарадилар, — дейди бўлим бошқарувчиси Пўлатхон Раҳматов. — Коммунистларимиз бу масъулиятли вазифани ado этиш учун ҳар бир терим машинасидан унумли фойдаланишга, ҳар бир теримчининг кунлик иш унумини оширишга, бирор грамм ҳам пахта нобуд бўлишига йўл қўймасликка сўз беришган.

Е. Худойбердиев номли совхознинг Мирвали Усубалиев, Парпидин Раҳмонов бошлиқ бўлимлари пахтакорлари ҳам шу кунларда ана шундай ният билан тер тўкмоқдалар. Ҳар куни йиллик планнинг 3—4 процентн миқдорида пахта топширилмоқда.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобида 151 нафар коммунист бўлиб, уларнинг ҳар бири пахта йиғим-теримида шахсий ибрат кўрсатмоқда. 3 та йиғим-терим транспорт отряди, 9 та терим звеноси тузилган. 3 та муваққат партия группасига ишчан коммунистлар етакчилик қилишмоқда. Партия группаси ташкилотчиларидан Абдуғаффор Холбоев, Боситхон Мўйдинов, Ҳамиджон Парпиев механизаторлар ўртасидаги меҳнат беллашувига бошчилик қилишаётир. Совхоз ерлари адирликлардан иборат. Шундай бўлсада, улар мавсум бошидан бери 150—200 тоннадан пахта теришди.

Пахта терими бошланган дастлабки кунларда совхознинг кекса коммунистларидан Тожибой Жабборов, Алишер Воҳидов, Отамирза Тошпўлатов, Саломатхон Абдуллаева сингари қариялар белларига этак тутиб, пахта теримида иштирок этиш нстаги билан чиқишган эди. Ҳозир совхозда 50 нафарга яқин кекса-лар мадад бригадалари сафига бирлашиб, пахтакорлар билан бир қаторда меҳнат қилишяпти.

«Қизил Октябрь» колхози ҳам марра сари дадил боряпти. Олимжон Эргашев, Ҳакимжон Мусаев, Набижон Аҳмадалиев каби механизаторлар мавсумда 260 тоннага етказиб пахта териш учун ўзаро мусобақалашмоқда. Колхоз звено системасида ишлаяпти. И. Хусанов, Р. Орипова, К. Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ звенолар 45 центнерлик ҳосил учун курашмоқда.

Районимиздаги «Қўқимбой» совхози, «Правда», «Коммуна» колхозлари коммунистлари ҳам пахта теримида юксак суръатга эришмоқдалар. Бу йил Косонсойда пахта неч етилди. Оммавий теримга сентябрь ойининг сўнгги кунларида киришилди. Район партия комитети олдида жуда катта масъулият — ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам 40 минг тонна «оқ олтин» етиштириб, давлатга сотиш вазифаси туради. Районда умумий сафарбарлик эълон қилинди. Косонсойликлар пахта теримида қатнашмаган бирорта ҳам оила қолмасин, деган шиор қўйдилар. Шаҳардаги Энгельс номли, Охунбобоев номли, Тельман номли маҳаллаларда пайдо бўлган бу ташаббус бир кундаёқ барча шаҳарликларга ёйилди. 120 нафар кишидан иборат мададкорлар бригадаси мавсум охиригача 340 тонна пахта теришга сўз беришди.

Партия ва совет ходимларининг оила аъзолари ҳам теримда фаол иштирок этишяпти. Раҳбар ходимларнинг оила аъзолари мавсумда камида 2 тоннадан пахта териб беришга қарор қилишди. Худойбердиев номли совхоз активларининг оила аъзолари кучи билан ҳар кунн 3 тоннадан ошиқ пахта терилмоқда.

Районда 14 та йиғим-терим отряди, 10 та муваққат партия группаси ташкил этилган. Отрядларнинг механизаторлари ҳар куни ўртача 5—6 тоннадан пахта теришмоқда. Пахта йиғим-теримида 16 минг киши иштирок этяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 46 килограммдан, коммунистлар ва комсомоллар эса ўртача 53 килограммдан пахта теришмоқда. Бу область районларидаги кўрсаткичдан юқоридир.

Теримда қатнашаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун зарур шароит яратиш ҳам район партия комитетининг диққат марказида турибди. Райком секретари Мўътабар Азизова бошлиқ оператив группа бригадалар ва звеноларда бўлиб, пахтакорларга қандай хизмат кўрсатилаётгани билан танишиб боряпти. Керак бўлса, зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Партия ва ҳукуматимизнинг биз, пахтакорларга Мурожаати районимиз коммунистларини янги зафарларга руҳлантирмоқда. Унга жавобан янада зўр ғайрат билан ишлаб, йиллик пахта тайёрлаш планини 1 ноябрга қадар бажариш чора-тадбирларини кўряпмиз.

С. КАРИМОВ,
Косонсой район партия комитетининг биринчи секретари.

Илария Алексеевна РАЙКОВА

Совет Ўзбекистони фани ва олий таълими оғир жудоликка учради. Таниқли олим ва жамоат арбоби, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг кафедра мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1941 йилдан КПСС аъзоси Илария Алексеевна Райкова узоқ давом этмаган касалликдан сўнг 86 ёшида вафот этди.

И. А. Райкова ёш Советлар мамлакати учун оғир йилларда В. И. Ленин йўлланмаси билан Тошкентга келган ҳамда Совет Шарқида фан, маориф ва маданият юзага келиши ҳамда тараққий этишида ниҳоятда катта роль ўйнаган истеъдодли рус инқилобчи олимлари авлодига мансуб эди.

И. А. Райкова 1896 йили туғилди. Меҳнат фаолиятини 1917 йилда Петроградаги амалий ботаника бюроси ўтлоқ бўлимида катта техникликдан бошлади. 1919 йили Петроград университетини тугатиб, Фанлар академиясининг ботаника музейида илмий ходим сифатида иш бошлади. 1920 йили В. И. Ленин йўлланмаси билан бошқа олимлар қатори Совет Шарқида дастлабки олий ўқув юрти — давлат университети ташкил этиш учун фан поездида Тошкентга келди. Ана шундан буён то умрининг сўнгги кунигача, 60 йилдан ортиқ муддат ичида И. А. Райкова университетда ишлади. У шу ерда оддий ўқитувчиликдан таниқли олим, республикада фан ва маориф ташкилотчиси даражасигача эришди. Кейинги 40 йил мобайнида университетнинг дарвинизм, генетика ва эксперимental биология кафедрасига мудирлик қилди.

И. А. Райкованинг истеъдодли олим ва педагог сифатида ўқув- методика ишларини такомиллаштиришга, ўқитувчилар малакаси ва маҳоратини оширишга жуда катта эътибор берди.

Унинг илмий раҳбарлиги ҳамда бевосита иштирокида Ўрта Осиёнинг турли районларига кўплаб экспедициялар уюштирилди. Ана шу экспедициялар натижасида унинг 80 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинди. Бу ишларнинг асосий қисми ғўза, узум биологияси ва морфологиясига ҳамда юқори тоғ районларида озуқа базасини яхшилаш, ўсимликшунослikни ўзлаштиришнинг бошқа масалаларига бағишлангандир. Унинг тавсиялари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. И. А. Райкова ташаббуси билан генетиканинг ўзига хос йўналиши — ғўзанинг хусусий генетикаси шаклланди ки, бу нарса ҳозирги кунда жаҳон фанида эътироф этилмоқда.

И. А. Райковаининг бутун ҳаёти, жўшқин фаолияти, бой тажрибаси, беқиёс таланти партия ва халқ ишига, фан тараққиётига, илмий-педагог кадрлар ва биолог мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашга бағишланди. Унинг қўлида йиғирмадан ортиқ биология фанлари кандидатлари ва докторлари етишиб чиқди. И. А. Райкова ёшларни жуда севарди, улар билан мунтазам учрашиб, коммунистчасига яшаш, ўқиш ва курашишда уларга яқиндан ёрдам берарди. Шу зайл республика илмий ва педагогик жамоатчилиги орасида чуқур ҳурмат ва юксак обрў-эътибор қозонган эди.

И. А. Райкова илмий-педагогик фаолиятни актив ижтимоий-сиёсий ва тарғиботчилик ишлари билан қўшиб олиб борди, меҳнаткашлар олдида мунтазам равишда лекция ва суҳбатлар ўқирди. Илария Алексеевна СССР Ботаника жамияти Ўзбекистон бўлимининг раиси, СССР ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича проблема кенгашларининг аъзоси, мамлакат ботаника ва география жамиятларининг фахрий аъзоси эди.

Партия ва ҳукуматимиз И. А. Райковаининг катта хизматларини юксак баҳолади-лар. И. А. Райкова кўш Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, қўш Меҳнат Қизил Байрок ордени, Халқлар дўстлиги ордени, кўш «Ҳурмат Белгиси» ордени, Совет Иттифоқининг қатор медаллари билан мукофотланган эди. И. А. Райковага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилиши ҳамда республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланиши унинг фандаги жуда катта ютуқлари эътирофидир.

Партия ва халқимизнинг содиқ фарзанди, истеъдодли совет олими, педагоги ва мураббийси, ажойиб инсон, принципиал ва камтарин коммунист Илария Алексеевна Райковаининг ёркин хотираси республикамиз зиёлилари, барча меҳнаткашларининг қалбида сақланади.

Ш. Р. Рашидов, Е. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Т. Турсунов, А. Қўчқоров, О. С. Содиқов, Э. Ғ. Ғофуржонов, С. П. Пўлатов, Т. А. Саримсоқов, К. И. Лапкин, С. Ҳ. Сирожиддинов, Э. Ю. Юсупов, П. Қ. Ҳабибуллаев, О. С. Аббосова, Ш. З. Уразаев, В. И. Попов, А. Қ. Отахўжаев, Ч. Абдиров, И. И. Гранитов, А. Т. Тўлаганов, Э. Н. Куценко, У. В. Азизов, Р. С. Азимов.

СОБИТҚАДАМЛИК

МУБОРАК ГАЗ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИ МУХБИРЛАР ПУНКТИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», «ПРАВДА ВОСТОКА» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАР ПУНКТИНИНГ 31-ХАБАРИ

Ўзбекистонда катта-катта объектлар қурилган, кўпгина машҳур бинокор усталар етишиб чиққан бўлса-да, ҳали ҳеч ким Муборак қурилишидагидек суръатларга эришолмаган, куч-қувватларни шу тахлитда бир жойга тўплаб, шу даражада собитқадамлик кўрсата олмаганди.

Бир йил мобайнида 30 миллион сўмлик асосий фондларни ишга солиш мўлжалланган эди. Лекин Муборак газ комплексида жами қиммати 36 миллион сўмлик қурилмалар монтаж қилинди ва ишга солинди.

Йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани ҳозирнинг ўзидаёқ 86 процент оширнб бажарилди. Капитал маблағларни ўзлаштириш йиллик плани эса 85 процент ошириб адо этилди.

Буларнинг ҳаммаси қурувчи-монтажчилар сонини кўпайтирмай бажарилди.

1981 ЙИЛДА БУНЕД ЭТИЛГАН

Ҳозир цех корпуслари қад кўтариб турган жойларда ҳали яқиндагина кўкламда ер қазийдиган отрядлар чўлга чиққанди.

Ҳеч бир нормада кўзда тутилмаган муддатларда, аввало нореал бўлиб туюлган муддатларда ҳозирги ҳамма иншоотлар бунёд этилди:

— бир йилда жами 3,5 миллард кубометр газ тозалайдиган иккита блок;

— табиий газдан ҳар йили 294 минг тонна олтингугурт оладиган қурилма;

—Қуйимозор сув омборидан Муборакдаги заводгача борадиган узунлиги 100 километрдан ошадиган қувур арик, бир кеча-кундузда беш минг кубометр сув беришга мўлжалланган соқил системаси ва сув олиш иншоотлари билан;

— соатига 150 тонна буғ ҳосил қиладиган иккита қозон агрегати;

— янги Денгизкўл — Ҳовузак газ кони (унден йилига 4 миллард кубометр ёқилғи олиш мумкин);

— Зевардада яна бир газ кони;

— шу конлардан заводгача газ қувурлари;

— компрессор станцияси (унинг ёрдами билан магистрал газ қувурларига тозаланган газ беришни суткасига 10 — 15 миллион кубометр кўпайтириш мумкин).

БУ ИШЛАР ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛДИ?

Биз шу қурилиш қурувчилари ва монтажчиларининг меҳнат зафарлари тўғрисида, бетон ишлари ва пайвандлаш ишларининг усталари ҳақида, ажойиб шоферлар ва кранчилари, электрикларн ва приборчилари тўғрисида кейин гапирib берамиз. Лекин бугун бу ерда, Муборакда муносиб командирлар кўплигини таъкидлашни истаймиз. Инженерлик тафаккури ва ижоди кундалик графикларда илдам бориб, суръатга-суръат қўшмоқда.

«ВНИПИгаздобича» (Саратов), «Гипрогазоочистка» (Ленинград) институтлари, «Нефтехиммонтаж» (Подольск) марказий конструкторлик бюроси 3-навбат лойиҳасини ҳали ишлаб чиқаётганларида заводнинг капитал қурилиш хизмати қайси усқунани ўрнатиш мўлжалланаётганлигини аниқлаб олмоқ учун лойиҳачилар билан алоқа боғлашди. Хуллас, биргалашиб ана шу рўйхат барвақт аниқлаб чиқилди ва Ленинград ҳамда Волгограддаги, Салават ва Чарновицидаги, Таллин ва Сумидаги корхоналарга олдиндан буюртмалар юборилди. Бунинг натижасида тайёрловчи заводлар зўриқмай ишладилар ва машина-ускуналарнинг кўп қисми майдондан ҳали бинокорлар кетмаган пайтдаёқ етиб келди.

Мўлжал ҳам шу эди. Ҳали бетон ишлари давом этаётганда «Средазнефтегазмонтаж» 9-бошқармасидаги монтажчилар ўз стационар базаларида олинган деталь ва узелларни вазни 50—60 тоннагача боради-ган катта-катта блок қилиб йиғдилар. Шундай қилиб, қурилиш ва монтаж ишлари баб-баравар бораверди.

Бош пудратчи коллектив «Мубарекгазпромстрой» трести ҳам одатдагидан тезроқ ишлади. Бу ерда деталларнинг заводдан тайёр ҳолда чиқишини ошириш, прогрессив технологияни жорий этиш йўлига қатъий амал қилинди.

СЎНГГИ БЛОК

1-газ тозалаш блокини тайёр дейиш мумкин. Бир йилда бир яримқубометр газ тўплайдиган шу блок билан Муборак заводининг 3-навбати ниқоясига етади. Қурилманн буғ, сув, энергия, ҳаво, химиявий реагентлар билан таъминлаш ишлари битказилди. Контрол-ўлчов приборлари монтаж қилинди. Мухбирлар пунктимиз ўтган сафар завод рақберларини янги қувватларни ишлатувчи ходимлар билан таъминлай олмади, деб ганжид қилган эди. Эндиликда юқори малакали наладчиклар етарли.

Қурувчилар паст ва юқорн босим системаларни синовнн мумкин қадар тезроқ тугатишни, насос ва компрессорларни ишга шай қилиб қўйишни, юк кўтарадиган механизмларни синаб кўриш, вентиляция ва ўт ўчириш системалари, электр асбоб-ускуналари ва автоматикани созлашни мақсад қилиб қўйганлар. Муборак қурувчилари Октябрь байрами арафасида биринчи блокка газ қабул қилиб, янги ускунани режимда ишлашга ўтказмоқчилар.

* * *

Яна бир канча ёрдамчи объектларни, резерв электр таъминот системаларини, ҳисоб марказини қуриш қолди. Бу объектлардагн ишлар шитоб билан бормоқда. Бу орада қурувчилар ва монтажчилар асосий кучлари Шўртан газ комплексига ўта бошлади. Уни декабрь—январда ишга тушириш керак.

М. КАРОМОВ,
Ю. КРУЖИЛИН,
В. ПЕТРОВ,
В. ШУМАЙЛОВ.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

ТЕРМИЗ, 26 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё область саноат, транспорт ва алоқа ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари ишлаб турган ва янги ишга туширилган қувватлардан тўлатўкис фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ўстириш ҳамда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида 1981 йилги план ва социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасидаги вазифаларнинг муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси Н. Т. Туропов доклад қилди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Эрон уй-жой-шаҳар қурилиши ишлари давлат министри Хоноболи Муҳаммад Шоҳоб бошчилигидаги шу мамлакат делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов Эрондан келган меҳмонларни қабул қилди.

(ЎзТАГ).

КИТОБ КЎРГАЗМАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасида ГФРнинг янги китоблари виставкаси очилди. Ўрта Осиёдаги мана шу энг катта китоб хазинасининг жавонларида ГФР китоблари 1955 йилдан пайдо бўла бошлади. Уша йилдан бошлаб Тошкент кутубхонаси билан Федератив Республика нашриётлари ҳамда китоб савдоси ташкилотларн ўртасида адабиётлар мунтазам айирбошлашга киришилди.

Виставкага Л. И. Брежневнинг нутқларн ва суҳбатларидан иборат «Тинчлик учун, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учуна номли тўплам қўйилган. Снёсат, илм-фан, инсониятнинг келажаги тўғрисидаги «Диалектика саболқлари» номли кўп томли турkум, санъатга доир альбомлар, шарқшуносларнинг, тарихчиларнинг асарлари томошабинларни қизиқтирмоқда. Янги олинган асарлар орасида «Шарқшунослик энциклопедияси»нинг 121 томи, «Қадимий немис рассомчилиги» китоби, Герхард Мюллернинг кўпдан кўп расмлар билан безатилган «Қадимий нашрларнинг янги ҳаёти» асари бор. Бу асарда Ўзбекистон меъморчилик ёдгорликлари ҳақидаги, Совет давлати ўтмиш архитектура дурдоналарини сақлашга қандай аҳамият бераётганлиги тўғрисидаги бир талай мароқли маълумотлар баён этилган.

(ЎзТАГ).

ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРЧАН ВОСИТАСИ

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ: ЯНГИ УРФ-ОДАТЛАР ВА МАРОСИМЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Партия XXVI съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида социалистик турмуш тарзининг, янги кишини камол топтиришнинг моддий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлашдан иборат жуда муҳим вазифа қўйилган.

«Ривожланган социализм даврида барча ижтимоий муносабатларни янги тузумга тарқибан мансуб бўлган коллективчилик асосларида қайта қуриш тугалланади, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида. — Бу қайта қуриш ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатларни, ҳаётимиз бутун укладини ўз ичига олади».

Бу социалистик анъаналар, урф-одатлар ва маросимларга ҳам тўла равишда тааллуқлидир. Бизда юксак ғоявий, эстетик ва бадиий жиҳатдан оҳангдор совет социалистик урф-одатларининг кўп қирралн системаси тарқиб топган бўлиб, у ҳаётимизнинг турли соҳаларини ўз ичига олади ва катта тарбиявий потенциалга эга.

Байрамларда, юбилейларда, тантанали маросимларда, урф-одатларда совет халқининг тарихий ютуқлари, унинг революцион, жанговар ва меҳнат жасоратлари, қаҳрамонлиги, халқларимиз ҳаёти ва маданиятидаги энг яхши, илғор жиҳатлар муносиб равишда улуғланади.

Социалистик анъаналар янги тарихий бирлик — совет халқи анъаналаридир. Бу анъаналар ўз характерига кўра чуқур интернационал бўлиб, мамлакатимиз халқларининг прогрессив миллий урф-одатлари билан узвий равишда уйғунлашиб кетади.

Ҳозирги замон шароитида ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашув жараёни тобора чуқурлашмоқда. Бу ҳол ҳар бир халқнинг анъаналари ва урф-одатларидаги миллий ва интернационал жиҳатларнинг бир-бирига таъсирини, бир-бирига сингишини кучайтирмоқда. Бунда муштарак интернационал анъаналар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ривожланган социализм шароитида, совет жамияти таркибида бир хиллиги ўсиб бораётган шароитда социал ва миллий белги тафовутларига боғлиқ бўлмаган умумий белгилар тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Янги анъаналар экономика, социал-сиёсий ҳаётнинг бирлиги, ягона марксча-ленинча дунёқараш, социалистик маданият базасида шаклланмоқда. Муштарак совет анъаналари барча миллатлар ва элатлар томонидан вужудга келтирилмоқда. улар яратган интернационал анъаналар эса айни вақтда чуқур миллий жиҳатларга ҳам эгадир.

Совет анъаналари ва урф-одатлари ҳаётимизни безабгина қолмай, айни вақтда кишиларни коллективизм, дўстлик ва қардошлик, интернационализм ва юксак инсонпарварлик руҳида тарбиялайди, уларнинг актив ҳаётий позициясини шакллантиради.

Совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда коммунистик идеаллар, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари, социалистик турмуш тарзининг социал-ахлоқий бойликлари яққол акс этган умумсиёсий, давлат байрамлари ва маросимлар катта роль ўйнайди. Барча совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам қизил календарь байрамларини тантанали ва қувончли нишонлайдилар, уларга қизғин тайёргарлик кўрадилар. Октябрь, 1 Май тантаналари, Ғалаба куни, СССР Конституцияси куни, 8 Март кунлари давомида ўзларининг Коммунистик партия тегарарига маҳкам жипслашганликларини, унинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллашларини, партия режаларини муваффақиятли амалга оширишга аҳд қилганликларини намойиш этадилар.

Ижтимоий-сиёсий байрамлар катта сафарбарлик кучига эга. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари шонли саналарга меҳнат совғалари тайёрлайдилар. Бу байрамларни коммунизм қурилишида шоили муваффақиятлар билан нишонлайдилар. Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизда ҳам СССР ташкил этилган кунга тайёргарлик кенг авж олган. «СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остидаги ҳаракат чинакамига оммавийлашмоқда.

Бу тантаналар ҳар бир совет кишисининг Ватанимиз, социалистик тузумимиз ва Ленин ишига, Октябрь ишига, коммунизм идеалларига, ҳар бир кишининг бутун халқимиз кўрсатаётган жасоратларга шахсан дахлдор эканлиги билан фахрланиш туйғусини чуқур англаб етишига ёрдам бермоқда.

Бизда умумдавлат ва халқаро революцион байрамлар билан бирга совет кишиларининг илҳомбахш ижодий меҳнатини улугловчи урф-одатлар системаси ҳам таркиб топгандир. Булар — етакчи касб вакилларининг календарда кўрсатилган байрамлари, ишчилар ва колхозчилар сафига қабул қилиш маросимлари, социалистик мусобақа голибларини, меҳнат ветеранларини шарафлаш тантаналаридир.

Бизнинг республикамизда пахтакорлар, чўпоплар сафига қабул қилиш маросимлари, «Пахта байрами» ўтказиш одат тусига кириб қолди.

Бу ажойиб янги анъаналар ва урф-одатлар Ўзбекистоннинг бутун кўп миллатли аҳолиси маънавий ҳаётининг муҳим элементи бўлиб қолди. Шу билан бирга бу анъаналар ва урф-одатлар чуқур интернационал бўлиб, дўстлик ва ўзаро ёрдам руҳи билан суғорилган. Чунончи, «Пахта байрами» давомида «оқ олтин»нинг умумхалқ қадр-қиммати кенг намойиш қилинади. Иваново тўқимачилари билан пахтакорлар, Тошкент областининг пахта тозаловчилари ўртасидаги мусобақага яқун ясалади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон вакилларини Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш ишларига, БАМ қурилишига ҳамда бошқа Бутуниттифоқ зарбдор объектларига тантанали кузатиш анъана бўлиб қолди.

Прогрессив халқ анъаналари характер жиҳатидан ўзгариб бораётганлиги, янги мазмун билан бойиётганлиги, айниқса, ҳашар мисолида яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда республикамизда ана шу умумхалқ қурилиши методи асосида жамоатчилик, меҳнат жамоалари ташаббуси билан ўтказилаётган ҳашарларнинг ҳажми ҳам, характери ҳам ўзгарди. Ҳашарларда ҳар бир кишининг ўз касбига оид ишларни бажариши, ҳашар мисолида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ҳашарларнинг ҳар бир қатнашчисининг меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари ҳал қилинмоқда.

Сўнгги йилларда бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамизда ҳам меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни партия ва халқининг революцион, жанговар, меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш борасидаги кўпқиррали ишларни янада яхшилаш йўлида ибратли тадбирлар амалга оширилди. Бу анъаналар жамиятимизнинг юксак маънавий кучини, ахлоқини, инсонпарварлик табиатини, СССР янги Конституциясида мустаҳкамланган шахснинг ҳуқуқлари ва эркинлигини акс эттиради.

Янги урф-одатларнинг формалари ва типлари идеология иши системасида мустаҳкам ўрин олиб, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий, эстетик, атеистик тарбиялашнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолди.

Шаҳар ва қишлоқда совет урф-одатларини жорий этиш меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини муттасил юксалтириб бориш тўғрисидаги ғамхўрлик билан узвий қўшиб олиб борилмоқда. Бизда бир неча йиллардан буён аҳоли турмуш маданиятини ошириш бўйича республика Кенгаши муваффақиятли иш олиб бормоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бошчилик қилаётган бу Кенгаш муҳим социал вазифани ҳал қилиш юзасидан республикамизда ҳар томонлама олиб борилаётган ишларга моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда, координациялаштирмоқда.

Республика партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари янги совет урф-одатларини пропаганда қилиш ва кенг жорий этишга катта эътибор бермоқдалар. Бу масалалар жойлардаги партия комитетларида, Советларнинг сессияларида мунтазам равишда муҳокама қилиб борилмоқда.

Барча областлар, шаҳарлар ва районларда янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш юзасидан жамоатчилик кенгашлари ишлаб турибди. Бу кенгашларнинг иши Бухоро областининг Ғиждувон ва Вобкент районларида, Жиззах областининг Фориш районида, Сурхондарё областининг Шўрчи ва Сариосиё районларида яхши йўлга қўйилган. Бу борада Самарқанд, Фарғона ва Наманган областларида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Янги урф-одатларни пропаганда қилиш ва жорий этиш юзасидан Андижон областида тўпланган тажриба диққатга сазовордир. Бу областда аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, янги урф-одатларни жорий этиш масалалари комплекс равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал қилинмоқда, турмушни қайта қуришнинг ва янги урф-одатларни жорий этишнинг моддий асоси бўлган маданий-маиший ком плексларни бунёд этиш юзасидан актив иш олиб борилмоқда.

Янгиликнинг белгилари ҳамма жойда яққол кўзга ташланмоқда. Чунончи, Нзбоскан районидаги Охунбобоев номли колхозда олтита маданий-маиший объект бунёд этилди, учта типовой болалар боғчаси, 1000 ўқувчига мўлжалланган мактаб, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, спорт мактаби бўлган спорт комплекси қурилди, янги маданият саройи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Колхозда бир неча йиллардан бери Жанговар ва меҳнат шуҳрати музейи ишлаб турибди. Революцион ва меҳнат байрамлари, коллектив ҳаётидаги муҳим воқеалар тантанали нишонланяпти. Меҳнат ветеранлари ва илғорлари мунсиб шарафланмоқда. Уч авлод вакилларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтказилмоқда, қишлоқ ҳаётидаги шонли саналар тантанали нишонланмоқда.

БУРЧ[illegible]ҚАТ

ҚҚАССР

Шу кунларда пахтазорларга боқсанг, оппоқ чаноқларга кўзинг тўймайди. Ўзиям пахтамисан, пахта-да! Ҳар чаноғи олтинга тенг. Вазни оғир, сорти юқори. Дурдонани тезкорлик билан териб олмасак, ҳуснига доғ тушади, сорти пасаяди. Демак даромад камаяди. Йил — ўн икки ой пахта деб меҳнат қилдик.

Мана энди теримда энг долзарб, ҳал қилувчи паллага кирдик. Чаноқлардаги пахта теримчилар, механизаторлар, ёрдамчиларга мақтал бўлиб турибди. Мен тезроқ териб олгин, хазинангни бойитаман, турмушингни фаровон қиламан деяпти. Шундай экан, қалбида виждони бор кишиларнинг ҳаммалари теримга чиқишлари, кунлик нормаларини ошириб бажаришлари керак. Вазият, ганимат обҳаво шуни тақозо этяпти.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида «Бугунги кунда ҳаммамизнинг пахтакор деган номимиз бор. Ватан биздан жасорат кутмоқда. Машина штурвалини бошқаришга, этак тутишга қодир ҳар бир қиши пахта теримчилар сафига ўтиб, тўла самара билан ишлаши керак. Ҳамма куч-қувватларни «оқ олтин» теримига сафарбар этайлик!» — дейилган.

Мурожаатдан руҳланган совхозимиз пахтакорлари барча имкониятларни пахта теримига тўла сафарбар этмоқдалар. Шундай қилишимиз шарт. Негаки, кўсаклар ёппасига очилди, очилмаган кўсак деярли қолмади. Ундан ташқари йиллик пахта тайёрлашда бултургидан ана орқадамиз. Бунинг устига бу йил она-Ватанга 5,700 тонна «оқ олтин» етқазиб берамиз, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 30 центнерга етказамиз деганмиз. Бурчга садоқат, ваъдага вафо пахтакорларимизни янги меҳнат зафарларига чорлаяпти.

Колхозимиз бўйича кунига тайёрлов пунктига йиллик планининг 3,2—3,4 процентини миқдорида пахта жўнатяпмиз. «Коммунизм», Жданов номли, Фрунзе номли бўлимларнинг пахтакорлари эса кунлик ўсишда 4 процент ва ундан юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Мен хизмат қилаётган бригадада кунлик ўсиш 6 процентдан ошяпти. Хуллас, совхозимиз бўйича кунлик графикларни анча оширib бажариш одат тусига кириб тилди. Бошқачасига айтганда, эрга навбат — шерга навбат, дейдилар. Энди давлатга кўп ва тоза пахта топшириш, план ва мажбуриятларни тезроқ ўринлаш навбати биз, қорақалпоғистонлик пахтакорларга келди.

Совхозимиз автоном республиканинг шимолий зонасига жойлашган. Шунга қарамай, кўпчилик бригадаларимиз гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашяпти. У. Ўтанғозов, Қ. Алиев, С. Пирлепесов, Ж. Турсуновалар бошчилик қилаётган бригадаларда биринчи теримдаёқ гектаридан 27—30 центнердан пахта териб олинди. Бунда «зангори кема»лар ҳал қилувчи роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Азамат механизаторлар тайёрлов пунктига жўнатилган пахтанинг деярли 90 процентини бункерлардан тўкдилар. Қ. Ўрозбоев, С. Исмоилов, Ф. Сеитмуротов ва бошқа кўпгина механик-ҳайдовчилар шу кунгача 170—190 тоннадан пахта теришди.

Биз механизаторлар ўзаро маслаҳатлашиб олдик. Машиналарни навбатма-навбат тўла икки сменада ишлатамиз. Автотрактор паркида бекор турган баъзи машиналарни ҳам ишга соламиз. Кундуз кунларигина эмас, тунда ҳам шабнам тушгунча машъалалар ёқиб пахта терамиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир машина билан кунига 6—8 тоннадан пахта термоқдамиз. Мен кунлик иш унумини 10 тоннадан оширяпман. Мавсумда бункерлардан 350 тонна дурдона тўкиш ҳақидаги мажбуриятимни сўзсиз бажараман.

Ўтган йилларда биринчи ёки иккинчи теримдан кейин машиналар тўхтатиб қўйилиб, тўкилган пахтани теядиган, кўсак узадиган механизм-агрегатлар ишга солинган эди. Бу йил ҳам барча механизм-агрегатларни шайлаб қўйганмиз. Лекин ҳозирча пахтани фақат «зангори кема»ларда теряпмиз. Астойдил ҳаракат қилсак, ёвингарчиликлар бошлангунча борлиқ ҳосилни машиналарда териб олиб, план ва мажбуриятимизни ортиғи билан бажаришимиз мумкин ва лозим.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида «Ҳар бир механизатор, барча бригадалар ва звенолар, ҳамма хўжаликлар ва районлар пахтани машинада териш мажбуриятларини адо этсин!» дейилган. Совхозимиз ва мен хизмат қилаётган Жданов номли бўлим механизаторлари ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йиллик пахта тайёрлаш планини узоғи билан бир ҳафта — саккиз кун ичида бажаришга аҳд қилдилар. Бунда юкнинг оғири, йўлнинг олиси машиналар гарданига тушишини яхши биламиз. Пахта кўп, уни териб олишнинг уддасидан чиқамиз. Мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажариб элюрт олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун қўлимиздан нималар келса, ҳаммасини қиламиз. Кунлик суръатни ошириш йўли билан илғорлар сафидан ўрин оламиз.

Исоқ ОИТУРАЕВ,
Нукус районидаги Жданов номли совхоз механик-ҳайдовчиси, район партия комитетининг бюро аъзоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Бекобод районн халқ маорифи ходимларидан 500 нчшн райондаги «Ленинград» ва А. Мавлонов номли совхоз далаларида пахта терншаётир. Маорифчи ҳашарчилардан бу совхозларнинг пахтакорлари беҳад миннатдор бўлмоқдалар. Суратда: «Ленинград» совхозида ҳар куни 100—125 килограммдан пахта тераётган 22-мактаб ходимаси Тўлганой Эгамқулова. Бу чевар теримчи мавсумда 7 тонна пахта теришга аҳд қнлган. Суратда: Тўлганой Эгамқулова.

Т. Маҳкамов фотоси.

ЯНА 1600 ТОННА

Фарғона

ЯЙПАН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз пахтакорлари областда биринчилар қатори маррага етиб келдилар. 1900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ялпи хирмонининг 400 тоннаси уруғлик пахтадир.

Зафар марраси барвақт эгалланишида дала гвардиячиларининг ҳиссаси айниқса катта бўлди. М. Мақсудов, Ў. Маҳмудов каби қатор механик-ҳайдовчилар кунига хирмонга 7—8 тоннадан пахта тўкиб, шу кунгача 90—120 тоннадан «оқ олтин» териб бердилар.

Ҳали колхоз далаларида пахта мўл. Терим жадал суръат билан давом эттирилаётир. Хўжалик заршунослари барча имкониятларни ишга солиб, давлатга яна 1600 тонна «оқ олтин» армуғон этиш ва ҳосилдорликни гектар бошига 42 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Икки йиллик планга тенг

Косон районидаги ўрдакчиликка ихтисослаштирилган совхоз коллективи ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритди. Эл дастурхонига 120 тонна парҳез гўшт топширилиб, йиллик план 200 процент қилиб адо этилди. Хўжаликда тухум топшириш ҳам қизғин давом этмоқда. Паррандабоқарлар шу кунгача 1 миллиондан зиёд ўрдак тухумни топширib, бу борадаги планларни 150 процент бажардилар.

— Паррандачилик етти хазинанинг бири эканлигини яхши билган хўжалигимиз ишчилари парранда гўшти ва тухум етиштиришни янада кўпайтириш чораларини кўряптилар, — дейди совхоз директори Т. Султонов. — Ҳозиргача район хўжаликларига 100 мингдан зиёд ўрдак жўжаси тарқатдик. Келаси йили 500 тонна парҳез гўшт етиштиришни мўлжаллаяпмиз.

Н. АБДУФАТТОХОВ.

Чет эллардa

ЯДРО ТЕЛБАЛИГИГА ҚАРШИ

КПСС билан Совет давлатининг мустаҳкам тинчликни ва халқаро хавфсизликни таъминлашга, ядро уруши хавфининг олдини олишга қаратилган ленинча ташқи сиёсат йўли бутун дунёда кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда ва маъқулланмоқда. «Правда» мухбирининг саволига Л. И. Брежневнинг қайтарган жавобига жаҳон жамоатчилиги ва чет эл оммавий ахборот воситалари зўр қизиқиш билан қараганликлари бунинг янги далилидир. Кўпгина мамлакатларнинг матбуоти, радио ва телевидениеси совет раҳбарининг бу мўътабар баёнотини шарҳлаб, бутун совет халқи каби совет раҳбарларининг ҳам фикри-зикри ва куч-ғайратлари ядро урушига мутлақо йўл қўймасликка, шундай уруш чиқиши хавфининг ўзини тугатишга қаратилганлигини қайд этмоқдалар.

«Л. И. Брежневнинг «Правда» мухбири саволига жавоби — СССРнинг тинчлик ишига содиқлигини, унинг ядро уруши хавфини тугатиш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи ҳеч никор қилиб бўлмайдиган янги далилдир, — деб ёзади ГДРдаги «Нойес Дойчланд» газетаси. — КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан 80-йилларнинг Тинчлик программаси ва БМТ Бош Ассамблеясининг ҳозирги сессиясига Совет Иттифоқи тақдим этган таклифлар шу мақсадга хизмат қилади».

Кипрдаги «Харавги» газетасининг таъкидлашича, Л. И. Брежнев ядро урушида талаба қозоний умидларини хатарли телбалик деб атаб, АҚШ президентини ядро қуроли билан ҳужум қилиш гоясининг ўзини жиноий гоя, деб рад этувчи очиқ-равшан баёнот беришга чақирди.

Совет раҳбарининг кимки ўзини-ўзи ўлдиришга аҳд қилган бўлса, ядро урушида талаба қозоний умиди билан шундай урушни бошлаши мумкин, деган сўзлари бутун дунёда, шу жумладан АҚШда ва бошқа ғарб мамлакатларида айниқса зўр эътиборга сазовор бўлди. Бундай урушни бошлаган кимса муқаррар интиқомга дучор бўлади. «Совет президенти» — деб ёзади шу муносабат билан «Вашингтон пост» газетаси, — буюк давлатлар ўртасидаги ҳар қандай ядровий можарони хатарли телбалик деб лаънатлади». Л. И. Брежнев совет раҳбарлари ва совет халқи ядро уруши чиқиши хавфига йўл қўймаслик ишига содиқ эканликларини таъкидлади, деб уқтиради Франциядаги «Матэн» газетаси.

БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи комитети муҳокамасига Совет Иттифоқи расмий равишда тақдим этган ядро ҳалокатининг олдини олиш тўғрисидаги таклиф кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ҳамда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлайди. СССРнинг фикрича, ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатишни инсониятга қарши энг оғир жиноят, деб кагънят ва салобат билан эълон қилиш — жаҳондаги вәқеаларнинг хатарли ривожланишига тиювчи таъсир ўтказиш учун БМТ қила оладиган ишларнинг энг ёз қисмидир. Ядровий можаронинг чиқиш хавфини йўқ қилиб ташлаш — халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашишлозим бўлган БМТнинг юксак бурчидир.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

ХАНОЙ, 26 октябрь. (ТАСС). Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Вьетнам—Совет дўстлиги жамиятн марказий правленнесининг раиси Суан Тхюи Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри С. Пўлатов бошчилигида бу ерга келган Ўзбекистон делегациясини қабул қилди. Делегация Вьетнамда ўтказилаётган Ўзбекистон кунларида қатнашди.

Серқуёш Ўзбекистон вакиллари Вьетнамда бўлган вақтларида Ханойни, мамлакат жанубидаги энг катта шаҳар — Вьетнам революциясининг улуғ йўлбошчиси Хо Ши Мин номи билан юритиладиган шаҳарни, жанубдаги Фуккань вилоятини ва шимолдаги Тханҳоа вилоятини кўздан кечирдн. Делегация составидаги республика фольклор кўшиқчилари ва рақслари ансамблининг томошалари зўр муваффақият билан ўтди. Иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганликлари учун Ўзбекистон намояндалари ВСРнинг мукофоти — «Дўстлик» медали билан тақдирландилар.

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

«Бирдамлик» раҳбарлари яна шантаж қилиш ва Польша ҳукуматига тазйиқ кўрсатиш мақсадида 28 октябрь куни забастовка ўтказишга қарор қилганликлари муносабати билан ПХР Министрлар Совети номидан берилган баёнотда жумладан бундай дейилади:

«Бирдамлик»нинг раҳбар органлари миллий экономикага қарши ўзига хос уруш олиб бормоқдалар. Забастовка ҳукуматгагина эмас, шу билан бирга бутун халққа ҳам тахдид қилмоқда. «Бирдамлик»нинг экстремистик доиралари халқни жуда катта қулфатларга маҳкум этмоқдалар. Поляк халқи ўзини-ўзи боқиши ва кунделик зарур истеъмол моллари билан ўзини таъминлаши, қишни нормал ўтказиши мумкин. Аммо бунинг учун икки шарт: серунум меҳнат қамда ҳокимият органларига иқтисодий сиёсатни амалга ошириш имкониятн яратилиши керак. Кишиларда социалистик давлатга қарши қаҳр-газабни қўзғатиш, можароли вазиятни вужудга келтириш учун ҳокимият органларининг шу ҳаракатларига атайлаб халақит қилмоқдалар.

Бир йил мобайнида — ўтган йилнинг сентябридан буён саноат моллариннг запаслари 92 миллиард злотихлик ёки учдан бир ҳисса камайди. Забастовкалар ва кескинлик авжлигидек давом этаверган тақдирда аҳолини қишда асосий саноат моллари билан, масалан иссиқ кийим-кечак, пойабзал билан таъминлаш имконияти йўқола боради.

Министрлар Совети «Бирдамлик» раҳбарларининг забастовка ўтказиш тўғрисидаги даъватини қаҳр-газаб билан қабул қилиб, уни шантаж, забастовкадан бутун жамият зарар кўришини назар-писанд қилмаслик деб баҳоланди.

Забастовкалар авж олдирилган тақдирда ҳукумат билан «Бирдамлик»нинг музокараларида ҳеч қандай маъно қолмайди. Забастовкалар экономиканн, шу билан эса битимга эришиш имкониятини ҳам йўқ қилади. Министрлар Совети забастовкалар тўхтатилишини талаб қилади. Оппозицион забастовка сиёсатини давом эттириш учун жавобгарлик батамом «Бирдамлик» раҳбарларидаги экстремистик доиралар зиммасига тушади, дейилади баёнотда.

(ТАСС).

Варшава.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

КУБА:

Куба пойтахтида революциянн ҳимоя қилиш комитетларининг II съезди тугади.

Съезднинг якунловчи мажлисида Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро нутқ сўзлади. Куба раҳбари ўз нутқида революцияни ҳимоя қилиш комитетларининг фаолиятига юксак баҳо берди, бу комитетлар Кубадаги социалистик қурилишда актив иштирок этмоқдалар.

КАМПУЧИЯ:

Кампучиянинг СПК информация агентлиги БМТ Бош Ассамблеясининг «Кампучия масаласи» деб аталмиш масала юзасидан КХРнинг қонуний вакили иштирокисиз қабул қилинган резолюциясини қатъий қоралади.

Пекин ва Вашингтоннинг бевосита тазйиқи остида қабул қилинган бу резолюция Кампучиядаги аҳвол тўғрисида гаразли сохта хабарларга асосланган бўлиб, амалда Пекин экспансиячилари ва Америка империалистларининг Жанубий-Шарқий Осиёдаги авантюристик сиёсатининг мудҳиш мақсадларини амалга ошириш учун мўлжаллангандир, деб таъкидланади агентликнинг шарҳида. Хинди-Хитой халқларининг тинчлиги ва хавфсизлигига айни ўшалар асосий таҳдид солмоқдалар.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

ҲИССА

Шу долзарб кунларда жонажон республикамизнинг ҳамма ерида пахта йиғимтерими қизғин давом этмоқда. Каттаю кичик, ёшу қари — ҳамманинг фикр-зикри етиштирилган мўл пахта ҳосилини саранжомлаб олиб, она-Ватан хазинасига топширишдан иборат.

Улкан хирмон уйиш учун умумхалқ ҳаракати авж олмоқда. Институтимиз студентлари ҳамма қатори далага чиқиб, пахтакорларга ҳақиқий мададкор бўлмоқдалар. Қўриқ Ниҳон райони хўжаликларида саккиз факультетимиздан 2 мингдан зиёд йигит-қиз зарбдорчасига пахта термоқда. Механизаторлик касбига эга 90 га яқин студент «зангори кема»лар рулини бошқармоқда.

Ректорат, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари пахтани кўп, тез ва тоза йиғиб-териб олиш юзасидан факультетлараро, студент механизаторлар ҳамда кўшминг килограммчи теримчилар ўртасида мусобақа уюштирдилар. Филология, педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетлари кейинги ўн кунликда Ниҳон район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар.

Студент механизаторларимиз ҳам жонбозлик қилмоқдалар. Айниқса, физика-техника факультетидан Х. Қуллибердиев, И. Кенжаев, рус тили ва адабиёти факультетидан Ю. Назаров, А. Худойбердиев каби ёш дала гвардиячиларининг ҳар бири «зангори кема»лар билан ҳозиргача 90—100 тоннадан пахта теришди. Улар агрегатларни унумли ишлатиб, кунига 3—4 тоннадан дурдона теришга эришмоқдалар.

Дақиқаси олтинга тенг дамларнинг қадрига етаётган оловқалб студентларимиз кўл теримида ҳам докорлик намунасини кўрсатишмоқда. Бўлғуси филолог Л. Бобомуродова, К. Полвонов, тарих факультетидан Т. Очилова, бўлғуси математик Д. Шерова, Д. Мўминова, физика-техника факультетидан М. Жўраева, Ҳ. Очилов, рус тили ва адабиёти факультетидан Р. Ботирова каби юзлаб илғорлар ғайрат билан ишлаб, шу кунгача 4,5—5 тоннадан пахта тердилар.

Студентлардан ташкил топган бадиий ҳаваскорлик ансамбли коллективи ҳам ранг-баранг концерт программалари билан чўқувларни хушнуд этмоқда. Институтимиз коллективи Ниҳон райони хўжаликларида ҳозиргача олти минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин»ни йиғиб-териб берди. Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан йигит-қизларимиз 10 минг тонна пахта териб, улкан хирмоига баракали ҳисса қўшишга азму қарор қилдилар.

М. БОЛТАЕВ,
Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти ректори, профессор.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан Бекобод шаҳар партия комитети ишлаб чиққан тадбирларнинг комплекс планида «Янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш ва жорий этиш» деган махсус бўлим бор. Шаҳар партия комитетида, шаҳар Совети ижроия комитетида янги урф-одатларга тааллуқли масалалар мунтазам равишда муҳокама қилинмоқда, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланмоқда. Кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини янги урф-одатларни жорий этишга қаратиш, тўпланган тажрибани ўрганиш ҳамда умумлаштириш мақсадида илмий-амалий конференциялар, семинарлар, кенгашлар ўтказилмоқда.

Бекобод шаҳрида янги урф-одатлар ва маросимларни турмушга жорий этиш юзасидан ишлар ижодий изланиш ва ташаббускорлик асосида олиб бориляпти, янги, қизиқарли формалар қўлланиляпти. Шулардан бири — меҳнат, маданият ва спорт шаҳар эстафетасидир. Шундай ҳар бир эстафета ўзига хос шиор остида ўтказилади. Бу йил ана шундай эстафета «КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз!» шиори остида ўтмоқда. Эстафета давомида тўпланган тажриба алмашинади, мусобақаларга яқун ясалади, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишчилар сулолалари шарафланади, ишчилар синфига янги авлод қабул қилинади. «Ўз касбининг устаси» унвони учун конкурслар ўтказилади. Эстафета кечалари ўтказилаётган бу тадбирларнинг муҳим элементи бўлиб, бу кечалар учун сценарийлар ёзилади, бадиий ҳаваскорлик репертуари танланади. Эстафета давомида спорт мусобақалари ўтказилади. Коллективларнинг рапорт бериши, эстафета байроғини топшириш, махсус альбом тайёрлаш сингари янги маросимлар ишлаб чиқилган. Шуниси характерлики, эстафета ишлаб чиқариш соҳасининга эмас, балки турмуш соҳасини ҳам ўз ичига олади, кўчалар, микрорайонлар, маҳаллаларнинг байрамлари ўтказилади.

Каттақўрғон шаҳар партия комитети ҳам совет урф-одатларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб бормоқда. Халқ ҳашари йўли билан барча маҳаллаларда барпо этилаётган ижтимоий-сиёсий марказлар бу ишда таянч пунктлари бўлиб хизмат қилмоқда. Бу марказларда турмуш маданиятини ошириш кенгашлари, хотин-қизлар кенгаши, оқсоқоллар кенгаши доимий ишлаб турибди. Никоҳ кечаларн ва бошқа оилавий тантаналарни ўтказиш тартиби ҳам шу кенгашлар томонидан белгиланмоқда. Никоҳ кечаларини ўтказиш бўйича шаҳар комиссияси ташкил этилган. Бундай комиссиялар ҳар бир жамоатчилик марказларида ишлаб турибди.

Республикада янги урф-одатларни пропаганда қилиш ва жорий этиш юзасидан оқилона, ижодий иш олиб борилаётганлигини кўрсатувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, идеологиянинг бу муҳим соҳасидаги ишларнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилганда шуни назарда тутиш керакки, совет маданият даражаси, ижтимоий ва маънавий ҳаёт динамизми ўсган, халқаро майдонда идеология кураши кескинлашган ҳозирги шароитда совет социалистик урф-одатлари олдига тобора юксак талаблар қўйилмоқда.

Янги урф-одатларнинг қарор топиши — бу ҳар бир янги босқичда янги талаблар қўядиган доимий ривожланиб борувчи жараёндир. «Атрофимиздаги ҳамма нарсалар гўзал, яхши дид билан ишланган бўлиши қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ» — деди ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида. Бу гап урф-одатларга ҳам тўла равишда тааллуқлидир. Янги маросимларни шундай такомиллаштириш керакки, бу маросимларга ҳеч ким бефарқ қарамайдиган бўлсин. Бу ўринда ҳамма нарса — урф-одатларнинг мазмуни ҳам, уни ўтказиш вазияти ҳам, шакллантириш, яъни унинг архитектураси, тасвири, бадиий сўзи ҳам муҳимдир.

Республикада урф-одатларнинг моддий базаси бўлмиш маданият уйлари, клублари, кинохўжайралари, маданий-оқартув муассасалари барпо этилган ва доимо мустаҳкамланиб бормоқда. Вазифа — янги анъаналарни пропаганда қилиш ва жорий этиш, урф-одатлар ва маросимларни кўнгилдагидек ўтказиш учун уларнинг имкониятларидан тўла равишда фойдаланишдан иборат.

Меҳнат байрамларимиз ва янги урф-одатларимизни ривожлантиришга янада жиддий эътибор бериш керак. Чунки, улар катта тарбиявий кучга эга бўлиб, инсон меҳнатини улуғлайди. Бу борада кўпгина диққатга сазовор ишлар қилинган бўлса-да, камчиликлар ҳам оз эмас. Турли хил касбларга бағишланган кунлар бир-бирига ўхшаб кетмаслиги, балки, ўзига хос жиҳатларини, ўз мазмунини, халқ хўжалигидаги ролини, хусусиятини, формасини акс эттириши учун ҳар бир касб байрамининг ўз қиёфаси бўлиши керак. Бу борада министрликлар ва идоралар, уларнинг партия ташкилотлари, тадмоқ касаба союзлари катта фаоллик кўрсатишлари учун кенг имкониятлар бор.

Ҳаётимизда пайдо бўлаётган кўпгина янги урф-одатларни пухта ўйлаб, системага солиш талаб этилади, жумладан, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, намунали жамоат тартиби ва юксак турмуш маданияти учун кенг авж олган ҳаракат ўз маросимига ва рамзига эга бўлиши керак.

Гражданлик ва айниқса, оила — турмуш урф-одатлари янада такомиллаштирилиши керак. Чунки, худди шу урф-одатларда диний шаклга эга бўлган ўтмиш сарқитлари, архаик жиҳатлар айниқса, яшовчандир. Бинобарин, социалистик урф-одатларни янада ривожлантириш проблемаси катта атеистик аҳамиятга ҳам эгадир.

Бу вазифаларни ҳал қилиш марказлашган тартибда бошқарувни ва координациялашни талаб этади. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш ва меҳнаткашлар турмушига жорий этиш бўйича республика комиссияси тузилган. Бу комиссия давлат органлари, жамоат ташкилотларининг совет анъаналари ва урф-одатларини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш, байрамларни ўтказиш, урф-одатлар ва маросимларни социалистик турмуш тарзи нормаларини қарор топтиришнинг, меҳнаткашларни Коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, коммунистик ахлоқ, илмий-материалистик дунёқараш руҳида тарбияланишнинг муҳим воситаси сифатида жорий этиш юзасидан олиб бораётган ишларини координациялашга даъват этилган.

Бундай комиссиялар халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, район, шаҳар, область Советлари ҳузурида ҳам ташкил этилган. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар, совхозлар, аҳоли турар жойларида комиссияларга ёрдам берувчи группалар тузилмоқда. Комиссиялар катта ваколатларга эга бўлиб, уларнинг фаол ишлашлари учун зарур моддий база яратилмоқда.

Шундай қилиб, янги совет урф-одатларини пропаганда қилиш ва жорий этиш бўйича яхлит система яратилмоқда. Бу система омманинг таташбуси ва ижодига, бу муҳим ишда жамоатчиликнинг кенг иштирок этишига таянади.

Совет урф-одатларини пропаганда қилиш ва қарор топтириш системасининг барча бўғинлари самарали иш олиб боришини таъминлаш, бу ишда кенг ошкоралик ва кенг жамоатчиликнинг актив иштирокини таъминлаш коммунизм қурувчилари бўлган совет кишиларини ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбиялашда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш асосини яратиш демакдир.

Т. АБДУШУКУРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Қўғирчоққа «ақл» кирибди

Жанубий Корея президенти, собиқ диктатор Чон Ду Хван ўзининг Жакарта, Куала-Лумпур, Сингапур, Бангкок ва Манилага қилган ўн беш кунлик сафаридан қайтиб келгач, антика «қашфиёти» билан ҳаммани лол қолдирмоқчи бўлибди. У «Оскё — Тинч океан регионидаги тинчликни сақлаш йўлида» ўзича кашф қилаётган ишларининг келажагини кўрар-кўрмас, оромини йўқотиб қўйибди.

Америкалик хўжайинларининг кўлида қўғирчоққа айланиб қолган диктатор Чон Ду Хваннинг «кашфиёти»ҳам ёқка овоза бўлди. Лекин диктаторнинг ўзидан бўлак ҳеч кимни ҳайратга сола олмади. Сабаби сабаби ҳаммага равшан. Саҳнадаги қўғирчоқни кўрган бўлсангиз керак. Қўғирчоқнинг оёк-қўлидан ип ўтказиб олган артист, уни ҳар маҳомга йўргалатади. Диктатор Чон Ду Хван ҳам америкалик хўжайинларининг кўлида ҳар маҳомга йўргалашдан бошка нарсани билмайди. Шундай қилиб, қўғирчоққа ақл кирибди.

Сеуллик диктатор Чон Ду Хван америкалик хомийларининг ақли билан кўр кўрона иш тутаверib толиққач, ўз «кашфиёт»ларини ошкора намойиш қилиш ниятида босаётгсларини билмай қолди. Аввало у Сеулдаги студентлар намойишини шафқатсизларча бостирди ва мамлакатдаги ҳокимият учун ўтказилган сайловда иштирок этган рақибларидан қасдма-қасдига бирма-бир ўч олиб, қонхур диктатор номига эга бўлди.

Эндиликда бўри ниқобидаги диктатор қон томиб турган искирт панжасини бутун бир Жанубий-Шарқий Осиёга узатишдек қора ниятга ўтди. Чон Ду Хван бу шум ниятн йўлида америкалик хомийлари ўйлаб топган «машҳур тинчлик корпуси»нинг Сеул нусхасини ўз мамлакатида тузишга киришди. Кўрдингизми, шу ерда ҳам қўғирчоқ диктаторга америкалик хомийларнинг ақли ишлаб берибди!

У Сеул «тинчлик корпуси», «ювош жанубий кореялик аскарларнинг Жанубий-Шарқий Осиё бўйлаб бебошларча ташлаётган нопок қадамларини хаёлан кўз олдидан ўтказар экан, бу «кашфиёт»нинг «нақадар бебаҳо»лигига ўзи ҳам қойил қолди.

Пентагоннинг Жанубий Кореядаги малайи Чон Ду Хван Вашингтон «тинчлик корпуси» билан Сеул «тинчлик корпуси»нинг алиҳужа ҳужжатларидек бир-биридан асло фарқ қилмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўзининг «доношманд»лигидан бениҳоя ҳурсанд бўлиб кетди. Нима қилса ҳам номи улуғ — «тинчлик корпуси»!.

Хўш, сеуллик диктатор Чон Ду Хванга бу «тинчлик корпуси» нима учун керак бўлиб қолди? Диктаторнинг узоқни кўзлаган авваз мақсадлари аниқ: у ўз атрофидаги қўшни мамлакатларни бирин-кетин ўзининг тузоғига илинтириб олиш режаларини амалга оширишда, ўзга мамлакат ерларида жосуслик ишлари кўламини янада кенг қулоч ёйдиришда, босқинчилик йўли билан ўғирланган молларни қўшни давлатлар чегарасидан бож тўламай хуфёна ўтказишида, жаҳон бозорида қора дорилар билан савдо-сотиқни гуллатишда бир ниқоб керак эди. Сеуллик диктатор кашф қилган «тинчлик корпуси»нинг ёвуз мақсадлари йўлида энг ишончли ниқоб бўлиб хизмат қилади.

Уруш васвасасида инсониятга кирғин келтирувчи қуроллярог омборига кўмилиб, ана шу омборнинг бир чеккасидан екимсиз чиқирок овоз чиқаётган Пентагон «ювош америкаликлари»ю Африка, Лотин Америкаси, Узок ва Якин Шарк мамлакатларидаги халклар газабини кўзгатувчи, инсон номига бутунлай номуносиб қилиқларини жахон афкор оммаси кўриб турибди.

Жанубий Кореянинг қўғирчоқ диктатори «кашфиёт»идан болалаган Америка «тинчлик корпуси»нинг Сеул нусхаси ҳам Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари халклари учун кора вабодек офатдан бошка нарса эмас.

Э. ҚОДИРОВ.

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

АЗАМАТ КУЛЬТИВАТОРЛАР

«Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг конвейеридан туша бошлаган янги моделдаги комбинациялаштирилган культиваторлар токзорларда ерга ишлов беришдаги қўл меҳнатини тамомила йўқотишга кўмаклашади. Бу культиваторлар бирданига олти хил операцияни бажаради: кўкламда токни очади, культивация қилади, ариқ олади, ерни чуқур қилиб юмшатади, ўғит солади ва кузда токни кўмади.

Машиналарнинг конструкцияси оддий, пухта ишланган ва улардан фойдаланиш қулай. Машиналарни боғдорчилик ва токчиликда ишлатиладиган ҳар қандай трактерга ўрнатса бўлаверади. Янги культиваторларни мамлакатнинг ҳамма токчилик зоналарида ишлатавериш мумкин.

Машинасозлар йил охиригача республиканинг ихтисослаштирилган хўжаликларига 350 та шундай машина жўнатишга қарор қилдилар. Боғ культиватори учун янги мосламалар ҳам ясала бошлади. Бу мослама дарахт танаси атрофидаги ерга ишлов беради. Механизмнинг иш унуми одатдагидан бир ярим баравар юқори. У дарахтларга шикаст етказмайди, тана атрофидаги ерга ишлов бериш сифатини оширади.

(ЎзТАГ).

САНЪАТКОРЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

Шу кунларда республикамизнинг «оқ олтин» далаларида қизғин меҳнат симфонияси янграмоқда. Ўзбекистоннинг 5900000 тонналик улкан «оқ олтин» хирмони учун кураш тобора қизитилмоқда. Механизаторлар, теримчи чеварлар зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистонда ҳамма пахтакор. Шу кунларда медицина, савдо ходимлари, ишчилар ва студентлар — барча далада. Улар етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нест-нобуд қилмай териб олишда пахтакорларга мададкор бўлмоқдалар. Республикамизнинг кўплаб таниқли ёзувчилари, санъаткорлари дала шийпонларида бўлиб, меҳнат аҳлини янгидан янги зафарларга илҳомлантиришмоқда. Яқинда бир группа санъаткорлар Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозда бўлиб, у ерда меҳнаткашлар ҳузурида ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этишди. Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек давлат Академик драма театри ва Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри коллективларидан иборат бу санъаткорлар бригадаси дала шийпонларида меҳнаткашларни хушнуд этди.

Суратда: (чапдан ўнгга) артист Э. Комилов, шоир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Н. Нарзуллаев, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Х. Исроилова, артист Т. Мўминов, механизатор О. Сиддиқов ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Е. Аҳмедов. Пастда концерт пайти.

С. Маҳнамов ва Н. Муҳаммаджонов фотолари.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 21 октябрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 335 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1981—1982 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАПЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар ҳамда саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб, инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Институтга қабул қилинганлар 2 та чет (ғарб ва шарқ) тилидан маълумот оладилар ҳамда таржимон ва педагоглик мутахассислигини эгаллайдилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (286-форма), саккизта фотосурат (3х4 см).

Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат 15 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.

Қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади ва 8 ой давом этади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Урта мактабнинг кундузги бўлимини 1981 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй, 7-хона, тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

(СоюзНИХИ)

1982 йилга

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги: ўсимликлар физиологияси, умумий деҳқончилик, мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик, тупроқшунослик, агрохимия, экономика, қишлоқ хўжалигини бошқариш ва планлаштириш;

сиртқи: умумий деҳқончилик, мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик, тупроқшунослик, агрохимия, ўсимликшунослик, техника экинлари, экономика, қишлоқ хўжалигини бошқариш ва планлаштириш.

АРИЗАЛАР 15 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: институт директори номига ёзилган ариза, иккита фотосурат (6х9 см.) билан кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа, автобиография, иш жойидан меҳнат стажи (камида 2 йил) кўрсатиб ёзилган характеристика, олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси ва баҳолар ведомостидан кўчирма (нотариус тасдиқлаган), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш жойидан тасдиқланган), саломатлиги тўғрисида справка (286-форма), танланган ихтисослиги бўйича илмий ишлари ёки реферат.

Ҳужжатлар юбориш ва маълумотлар олиш учун ушбу адресга мурожаат этилсин: 702133, Тошкент области, Оққовоқ алоқа бўлими.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 йил январдан бошлаб ЯНГИ ОММАВИЙ-СИЕСИЙ ВА АДАБИЙ-БАДИИЙ

«ЁШЛИК» ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧИҚАРИЛАДИ

Нашр индекси 75241, бир йилда 12 сон чиқади.

ОБУНА БАҲОСИ — бир йилга 6 сўм.

ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ВА ИШ ҲАМДА УҚИШ ЖОЙИДАГИ ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ЭКОНОМИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

меҳнатни илмий ташкил этиш ва экономика бўйича катта илмий ходим;

кичик илмий ходимлар: сиёсий иқтисод, экономика, халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш, шу жумладан, халқ хўжалиги соҳалари бўйича (2 ўрин).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси, 9 уй.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра доцентлари: сиёсий иқтисод (2 ўрин);

кафедра катта ўқитувчилари: чизма геометрия ва чизмачилик, марксча-ленинча фалсафа, сув энергиясидан фойдаланиш, илмий коммунизм, сиёсий иқтисод;

кафедра ассистентлари: чизма геометрия ва чизмачилик, сиёсий иқтисод, гидротехник иншоотлар.

Конкурс муддати — 16 ноябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Қориниёзий кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/Х да **Ун учинчи рейс**, 28/Х да **Келинлар қўзғолони**, 29/Х да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/Х да **Олифта**, 29/Х да **Хизматингизга тайёрмиз.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЯНГИ ПРОГРАММА «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектаклининг премьераси.**

АХБОРОТ

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ВАҚТДАН ЎЗИБ

НАМАНГАН. «Облхолхозстрой» трестининг Уйчидаги 2-ғишт заводи коллективи Улуғ Октябрь 64 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилди. Корхона меҳнат аҳли йил бошидан бери қишлоқ қурилишларига 12 миллион 850 минг дона ғишт етказиб берди. Бу, ўн ойлик пландагига нисбатан 1600 минг дона кўп, демакдир.

Қ. ТУРАЕВ.

МАДАДКОРЛАР

САМАРҚАНД. Оқтош автобус-таксомотор парки коллективи йўловчиларга хизмат қилиш билан бир қаторда республикамизнинг 5 миллион 900 минг тонналик улкан хирмонига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Корхона ҳайдовчилари ва хизматчилари дам олиш кунларида Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхозга чиқиб, пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўртача 60-70 килограммдан «оқ олтин» терib, қишлоқ аҳлининг миннатдорчилигини қозонмоқда.

К. ҲАЙДАРОВА.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

БУХОРО. «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли органик корхонасининг аммоний сульфат цехида Улуғ Октябрь байрамини меҳнатда зафарлар билан кутиб олиш анъанага айланган. Ҳозир сульфатчилар 1982 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяптилар. Йил бошидан бери улар пахтакор хўжаликларга 11800 тонна ноёб комашё жўнатиб, йиллик планни 112 процент адо этдилар. Сульфатчилар йил охиригача планга қўшимча 2200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан зиммаларига олиб, социалистик мажбурият қабул қилдилар.

И. АЛЕКСАНДРОВ.

* * *

Редакция, шунингдек, Ҳ. Худойқулов (Жиззах), Ҳ. Рустамов, М. Болтабаев, Т. Абдухалилов (Андижон), Т. Сулаймонов (Наманган), А. Ергалиев (ҚҚАССР), Ю. Қоржовдиев (Сурхондарё), У. Ҳамдамов (Фарғона) лардан ҳам саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари коллективлари эришаётган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар олди.

ЁЗУВЧИ ВА ЗАМОН

КОМИЛ ЯШИННИНГ ОЛТИ ЖИЛДЛИК АСАРЛАРИ НАШР ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Атоқли санъаткор Комил Яшиннинг олтй жилдлик асарларини[1] ўқиб чиқдим ва уларда акс эттирилган воқеа-ҳодисаларни, уларнинг пухта ҳақрамонларини, адабиётимиз ҳақида турли даврларда билдирилган мулоҳазаларни ўйладим.

К. Яшин пьесалари ҳам, шеърлари ва поэмалари ҳам, адабий мақола ва публицистикаси ҳам замон руҳи билан суғорилган. Адиб халқ оммасининг юрак дардини, орзу-ниятларини қаламга олган. Мен унинг асарларини мутолаа қилиб, ёзувчи ижоди меҳнаткашларнинг ҳаёти, кураши ва бахт-истиқболини ўзига хос кўрсатувчи бадиий солнома деган хулосага келдим.

Фикримизнинг далили учун адибнинг олти жилдлигига, уларга кирган асарларга мурожаат этайлик.[1]

Босмачилик ҳаракати давом этиб, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиб турганда, меҳнаткашлар бошига бало ёғдирилаётган вақтда эндигина 19 баҳорни кўрган ёш қаламкаш «Икки коммунист» («Тор-мор»)ни ёзиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди. Бу пьесанинг ўша вақтда Ҳамза асарларидан кейин, фақат адабий-бадиий жиҳатдан эмас, балки, сиёсий-ғоявий жиҳатдан ҳам катта воқеа бўлганлигини яхши биламиз.

Муаллифнинг олти жилдлигига кирган ҳар бир асарнинг адабиётда ўз ўрни, яратилиш тарихи, давр билан ҳамнафаслиги бор.

Қишлоқларда эндигина бошланган коллективлаштириш ҳаракати К. Яшин ижодидан мустаҳкам ўрин олабошлаган «Ўртоқлар» музикали драмаси, «Ендирамиз» пьесаси ўша даврдаги кескин синфий курашнинг акс садолари бўлиб бунёдга келди. «Номус ва муҳаббат» эса қишлоқ меҳнаткашлари онгидаги улкан ўзгаришларни, ҳаётдаги бурилишларни ифода этди.

У ўз ижодида ўзбек хотин-қизларининг озодлиги ва жамиятдаги ролига жуда катта аҳамият берди. Бу мавзуга ўзининг «Гулсара», «Нурхон», «Асал», «Офтобхон» асарларини ва қатор шеър ва сочмаларини бағишлади. Ўтмишда остона ҳатлаб ўтишдан қўрққан, «ожиза», «заифа» деб ҳисобланган аёлларни кўкларга кўтарди, улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида жуда катта кучга айланганлигини саҳна тили билан томошабинларга тушунтирди. К. Яшин бадиий тил воситалари билан ўзбек хотин-қизлари маънавий жиҳатдан кучли, ақли-заковатли юксак, билимдон, ишчан кишилар бўлиб етишганлигини завқланиб куйлади. Унинг пьесаларининг томошабинларга, айниқса, аёл томошабинларга кўрсатган самарали таъсирини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак.

Адибнинг санъаткор сифатида алоҳида хизмати шундаки, у кўпинча биринчи бўлиб янги масалаларни, «теша тегмаган» мавзуларни кўтариб чиқди. Янги-янги образларни яратиб берди. Унинг ҳар бир асарини кўздан кечирсангиз, ё масаланинг қўйилиши билан, ё характернинг ифода этилиши, ё ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Буни янгича ишланган коммунист образларида, ранг-баранг, такрорланмас инсобий қаҳрамонларда, хотин-қизлар озодлигининг ўзига хос қирраларининг очилишида кўрамиз.

К. Яшининг таланти, айниқса, улуғ доҳиймиз В. И. Ленин образини саҳнада гавдалантиришда кўзга ташланади. Тўғри, К. Яшинга қадар буюк Ильичнинг адабиётда, шу жумладан драматургияда ва экранда қатор образлари яратилган. Санъаткор бу масалада ҳам ўзига оғирлик тушди, деб биламиз. В. И. Ленинниг адабиёт ва санъатда кўрсатилмаган ва очилмаган фазилатларини қаламга олди. Тўғрироғи, драматургимиз «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё халқлари» мавзусини кўтариб чиқди ва бадиий шаклда ҳал қилиб берди, совет Ленинномасини янги мавзу билан бойитди. Ўзбек драматургиясида бу масалани биринчи бўлиб К. Яшиннинг ёритиши, доҳийга бағишланган пьесаларининг қимматини ва аҳамиятини янада оширди. Коммунистик партия ва Совет давлати асосчисининг образини олти жилдликдаги «Йўлчи юлдуз» ва «Инқилоб тонги»ни каби саҳна асарларида кўрасиз. Ундан ташқари, қатор шеърларида ҳам доҳийнинг айрим сифатлари илҳом билан куйланганлигини биласиз.

Унинг адиб бўлиб етишишида, унда илғор дунёқарашнинг шаклланишида, санъатнинг жамиятдаги ролини чуқур тушунишида ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамзанинг хизматлари бениҳоядир. Ёш Комилни қўлидан маҳкам ушлаб бадиият оламига етаклаб келган ҳам унинг биринчи муаллими Ҳамзадир. К. Яшин Ҳамзага бағишлаб ўнлаб мақолалар ёзди, драма, опера либреттоси, романини халққа тухфа қилди, ниҳоят 16 серияли телефильм-спектаклини (Б. Привалов ва Ш. Аббосов билан ҳамкорликда) тамомламоқда. Бу эса шогирднинг ўз устозига бўлган фидойилиги ва садоқатининг ёрқин ва ибратли тимсолидир.

Маълумки, К. Яшин ўзбек операсини яратишга асос солганлардан бири. У биринчи бўлиб 1916 йил қўзғолонини ҳаққоний ёритиб берувчи «Бўрон» операси либреттосини ёзди. Бу асар асосида 1939 йилда миллий опера санъатини вужудга келди. Биринчи операмиз яратилгандан бери 40 йиллан ортиқ вақт ўтишига қарамасдан, у ҳозирги кунгача ҳам ўзининг ғоявий-бадиий қимматини йўқотгани йўқ.

«Бўрон». Фарғона каналини воқеаларини акс эттирувчи «Улуғ канал» ва А. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони мотивларидан фойдаланиб ёзилган «Дилором» либреттоларига олти жилдликдан ўрин берилишини мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

К. Яшин асарларининг тўртинчи ва бешинчи жилдлари унинг адабий мақолаларини ва публицистикасини қамраб олса, олтинчи жилдда эса таржималари билан танишамиз.

Адибимиз ярим асрдан ортиқ вақтдан бери танқид, адабиётшунослик ва санъатшунослик майдонида унумли ва мувaффақиятли қалам тебратиб келмоқда.

Энг муҳими, санъаткор ҳеч қачон, энг оғир вақтларда ҳам, кескин синфий кураш даврида ҳам ўзининг марксистик эътиқодидан чекинмади, бутун қобилияти ва талантини, куч ва ғайратини ўзбек совет адабиётининг партиявийлиги ва халқчиллиги учун, унинг юксак бадиийлиги учун сарфлади. У ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишини ўз кўзи билан кузатди ва бутун жараёнда фаол қатнашди. Соғлом адабиётимиз буржуа идеологиясига қарши курашиб, миллатчиларнинг қаттиқ қаршилигини синдириб, тараққий этганлигининг гувоҳи бўлган К. Яшин бу ҳаёт ҳақиқатини ўз мақолаларида бир неча бор таъкидлади.

Адибимиз ҳамиша ҳар бир адабий жараёнга, ҳар бир бадиий асарга коммунистик партиявийлик позициясидан, синфий нуқтаи назардан ёндашди ва таҳлил қилди, ҳар турли зарарли қарашларга қақшатқич зарба берди. Шу сабабдан ҳам унинг тадқиқотлари ва мақолаларида ўзбек адабиёти тарихи ва замонавий адабий жараёни, адибларнинг ижодлари ўзининг ҳаққоний характеристикасини топган.

К. Яшининг олти жилдликка кирган кўп илмий ишлари, танқидий мақолалари, публицистикаси унинг Ўзбекистон Ёзувчилари союзига раҳбарлик қилган вақтларида ёзилган ва эълон қилинган. У Ёзувчилар союзининг бошида энг узоқ (22 йил) турган адиб. Бу даврда у адабий жараёнга амалий фаолияти билан ҳам, бадиий ижоди билан ҳам, адабий-танқидий мақолалари, тадқиқотлари билан ҳам, доклад ва нутқлари билан ҳам самарали таъсир этди, унга фаол бошқарди.

Адибнинг таржималаридан бир нечтаси (М. Шатровнинг «Олтинчи июль», М. Иброҳимовнинг «Чироқ», Б. Кербобоевнинг «Маҳтумқули» В. Шекспирнинг «Антоний ва Клеопатра») олти жилдликни безаб турган пьесаларидир. К. Яшин бу асарлар устида ҳам жиддий ижодий иш олиб борди.

Олти жилдликда баъзи нуқсонлар ҳам учрайди. Асарларнинг берилишида тўла тартиб сақланмаган. Қайси принцип асосида материалларни жойлаштириш мавҳум бўлиб қолган. 30-йилларда ёзилган тақриз билан 60-йилларда эълон қилинган мақола кетма-кет берилган. Баъзи пухта, муҳим мақолалар («Минг бир кун», «Адабий танқид ҳақида» ва бошқалар) «Асарлар»дан тушиб қолган.

Умуман олганда, К. Яшининг олти жилдлик «Асарлар»и адибнинг ўзига хос бадиий маҳоратидан далолат беради. Бу олти жилдлик адабиётимизнинг ҳам юзини кўрсатади. Шу жиҳатдан санъаткор «Асарлар»ининг чоп этилиши китобхон учун қувончли ҳодисадир.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори.

1. Комил Яшин. Асарлар, олти жилдлик, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1978-80.

СПОРТ

ШАХМАТ:

ТЎРТИНЧИ ҒАЛАБА

Жаҳон чемпиони А. Карпов тож даъвогари Корчнойни доғда қолдирди. 9-партияни кўтаринки руҳда ўтказган чемпион 43-юришга борганда рақибини танг аҳволга солди. Оқ шоҳни ҳимоялашга тушган даъвогар мағлубиятни тан олишга мажбур бўлди. Шундай қилиб А. Карпов қора доналар билан ўйнашига қарамай, яна ғалаба нашидасини суриб, мухлисларини мамнун этди. Ҳисоб эса унинг фойдасига 4:1 бўлиб ўзгарди.

М. Чибурданидзе билан Н. Александрия ўртасидаги жаҳон биринчилиги учун курашнинг 14-партияси дуранг бўлди. Умумий ҳисоб — 7:7.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● **ЧНМ ХОККЕИ.** Тошкент областининг «Политотдел» колхозида аёллар командалари мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи ўйинлари якунланмоқда. Икки марта мамлакат чемпионлари — «Андижанка» хоккейчилари бу сафар 43 очко тўплаб, бронза медали совриндори бўлишди. 48 очко тўплаган Москва области спартакчилари билан 47 очколи Москва жисмоний тарбия институти студентлари чемпионликка талабгорлик қилмоқдалар. Бу командаларнинг ўзаро учрашуви дуранг билан тугаб, ғолиб аниқланмай қолди. Энди чемпион сўнгги кун учрашувларида аниқланади.

● **ФУТБОЛ.** Биринчи лигага ўтиш учун курашаётган иккинчи лиганинг зона ғолиблари ўртасида дастлабки учрашувлар бўлди. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси «Котайк» (Абзвян) коллективини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида муваффақият қозонди.

● **ХОККЕЙ.** «Бинокор» командаси Прокопьевскда маҳаллий «Шахтёр» коллективининг меҳмони бўлиб (3:1, 7:4), ғалаба қозонди. Бинокорчилар 20 очко билан мавқеларини мустаҳкамлашди.

Ёшлар командалари ўртасида ҳам учрашувлар бўлди. Бунда ёш бинокорчилар Усть-Каменогорскнинг «Торпедо» коллектиси билан ўйнаб, 7:6, 8:2 ҳисобида зафар қучдилар.

Редактор ўринбосари
А. НАБИХЎЖАЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Князь Игорь (Опера). 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — «Лазги» ансамблининг концерти. 16.50 — Рус тили. 17.20 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.50 — Ўзбекистон пахтакорлари. 18.05 — Концерт. 18.30 — Жасорат. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Концерт. 20.15 — Америка фожиаси. Бадиий фильм. 1-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Концерт.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Физика. 11.05 — Астрономия. 12.40 ва 13.40 — География. 13.10 — Шахмат мактаби. 14.10 — Илмий-оммабоп фильмлар. 14.40 — А. Гайдарнинг ҳаёти ва китоблари. 15.25 — Ўқитувчи экрани. 15.55 — 14—69 бронепоездан. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. Ўсмирлар ўртасида Европа чемпионати. СССР—ЧССР.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Блок лирикаси. 12.00 — Буни ҳам илҳом билан куйланганлигини биласиз. 12.30 — Ўйғун — драматург. 18.05 — Сўз кетидан сўз келар. 18.25 — Камалак 18.55 — Ҳаёт сенсиз давом этаверади. 19.00 — Экономика гежамли бўлиши керак. 19.30 — Ахборот. 19.55 — Чим хоккей. «Связист» (О) — «Андижанка». 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди олдидан. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Қўқон воқеаси. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ешлик. 18.40 — Реклама. 19.00 — Химия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчи экрани. 20.50 — Уч монолог. Телефильм. 21.00 — Совет давлати ҳукуқи асослари. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

8.30 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. 9.35 — Ўзбекистон — қўшнигим менинг. 12.10 — Гулла, яшна қўриқ ўлка. 13.00 — Ихтисослаштириш самаралари. 14.00 — Механизация ва ҳосилдорлик. 18.15 — Ешлик. 19.25 — Т. Қурбонов. Халқ чолғу оркестри ижроси учун иккита пьеса. 21.00 — Совет халқларининг қардошлик оиласида. 21.10 — Доимо биз билан. 21.30 — Механизаторлар учун концерт. 22.30 — Халқ талантларининг концерти. 23.15 — Лирик концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-65; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02295. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 248. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15